

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ

“Э ва ИЧАКТ ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ЭЛЕКТРОТЕХНИКА” КАФЕДРАСИ

3500 кг юк кўтаришга мўлжалланган кўприк
кранга асинхрон мотор лойиҳалаш ва бошқариш
схемасини ишлаб чиқиш.

БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди:

М. Қодиров

Раҳбар:

доц. Тоиров О.З.

Бухоро-2016

Мундарижа.

1. Кириш.....
2. Кўтарувчанлиги 3400 кг бўлган кўприкли краннинг
3. кўтариш механизми учун ўзгарувчан
4. ток электр юритмасини ишлаб чиқиш.....
5. Электр юритма-тармоқ тизими ва унинг тахлили.....
6. Иш режими давомида юритманинг ўткинчи режими.....
7. Қуввати 2.2 кВт ва айланиш тезлиги 1500 айл/мин
8. бўлган асинхрон моторни актив қисмини лойиҳалаш.....
9. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....
10. Хулоса.....
11. Фойдаланилган адабиётлар.....

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

КИРИШ.

Ҳар бир мамлакатнинг қудрати унинг техника ва технологиясини ривожланганлигини намоиш қилиш билан белгиланганидек, бу соҳани юксалтириш кўп жиҳатдан электр энергетикасининг чуқурроқ кириб бориши билан бевосита боғлиқдир.

Электр энергиясини хориждаги ривожланган мамлакатлар каби Ўзбекистон республикасида ҳам йирик ишлаб чиқариш корхоналари, завод ва фабрикалар билан бир қаторда ҳар бир хонадон ва хўжаликларда мавжуд бўлган маиший хизмат кўрсатувчи асбоб ва ускуналар ҳам истъмол қилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот нави, технологиясининг юқорилиги истъмолчига берилаётган электр энергиясининг сифат кўрсаткичларига бевосита боғлиқдир. Сифат кўрсаткичлари ўз навбатида, бир неча энергетик параметрнинг меърийлаштирилган қийматларидан оғиши, ўзгариши каби тафовутлари орқали тавсифланади. Бундай кўрсаткичларга кучланиш, частота оғишлари, тебранишлари, кучланиши носинусоидаллиги, носимметрияси кабилар киради. Амалда электр энергияси устидан буладиган ишларда бу жараёнларни турли тоифадаги электр истеъмолчиларига бўлган таъсирларини урганилар экан, электр параметрлар ва истеъмолчи уртасида электромагинитавий мутаносиблик урин тутишлиги ҳақида қўлаб қўйиб, амалий тадқиқот ишлари утказилган. [1.2.3].

Ташкилий-бошқарув масалаларини самарали ҳал этиш, ишлаб чиқаришни талаб этилган даражада модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнларини молиялаш корхонанинг янада ривожланишида кучли омил бўлди. Янги ускуна одамларни зерикарли ва қўп меҳнат талаб қиладиган ишдан ҳалос этиш билан бир қаторда уни самарали бажариш, унумдорликни камида ўқ барабар ошириш имконини беради. Автоматик дастгоҳларни қўллаш ишлаб чиқарилаётган ускунанинг аниқлик

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЎ	Варақ
Баждарди:		Қодиров М				
Рақбар:		Тоиров О.З.				

даражасини яхшилайти, нуксонларини камайтиради. Бу эса ундан узок вакт фойдаланиш имконини беради ва ишончли ишлашини таъминлайди.

Корхона махсулотларига автомобилсозлик, нефт-газ соҳаси, кимё саноати, кишлок ва сув хужалиги корхоналарида, фермер хужаликлари, кичик ва хусусий компания хамда фирмаларда хам талаб катта. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш натижасида куп корхоналарда угир меҳнатларни бажариш учун ва юкларни кутариш учун кранлардан фойдаланилмокда. Кранлар - юк кутарувчи ускуна булиб вертикал ва горизонтал равишда юкларни нисбатан кичик масофаларга узатиб беради. Узининг конструктив тузилиши, вазифаси хамда ишлаш шароити буйича кранлар - кўприкли, портал, чорпоя, минорали ва бошқаларга ажралади [12.13]. Машинасозлик ва турдош корхоналарда кўприкли кранлар кенг кулланилиб, бунда улар ёрдамида огир заготовка, машиналарнинг қисмлари цехлар буйлаб буйлама ва кундаланг равишда узатилади. Кўприкли краннинг тузилиши асосан цехнинг хусусияти ва технологиясига боғлиқ булади. Лекин, краннинг кутариш хамда аравача механизми одатда турли кранлар учун бир хил конструкцияда бажарилади. Мазкур битирув малакавий ишда кутарувчанлиги 3400 кг булган кўприкли краннинг кутариш механизмини узгарувчан ток электр юритмасининг оптимал ва автоматлаштирилган вариантини тузиш масаласи курилди.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

КУТАРУВЧАНЛИГИ 3400 КГ БУЛГАН КЎПРИКЛИ КРАННИНГ КУТАРИШ МЕХАНИЗМИ УЧУН УЗГАРУВЧАН ТОК ЭЛЕКТР ЮРИТМАСИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ

1.1 Юк кутариш машиналарининг тавсифлари

Курилишда юк кутариш машиналари курилиш материалларни бир жойдан иккинчи жойга кутаришда, курилиш конструкцияни монтаж килишда, курилиш материаллари омборларида кутариш-тушириш ишларида кулланилади.

Иш характериға кура бу машиналар даврий ҳаракат килувчи машиналар ҳисобланади. Уларнинг асосий параметрларидан бири-юк кутариш қобилиятидир. Юк кутариш қобилияти масса бирлиги (кг,т) да белгиланади. Юкнинг оғирлик учун унинг массаси ва эркин тушиш тезлигига боғлиқ бўлганлигидан, унинг бирлиги килиб (Н, кН) белгиланади. Бундан ташқари, юк кутариш машиналари хизмат курсатиш майдони, юкни кутариш баландлиги ва қулочи, иш жараёни ҳаракати тезлиги, массаси, сарфланадиган қуввати ва таянчларига тушадиган юклар қиймати билан характерланади. Юк кутариш машиналарнинг юк кутариш қобилияти илгакнинг қулочига боғлиқдир. Илгакнинг қулочи деб, краннинг бурилиш қисми уқидан юк кутарувчи илгаккача бўлган масофага айтилади. Шунинг учун кранлар юк моменти (юкнинг оғирлик қучини юк елкаси-илгакнинг қулочига қупайтмаси) билан характерланади.

Ишлаш қуламига кура, юк кутариш машиналари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: ёрдамчи юк кутариш машиналари; курилиш кранлари; махсус қувр ётқизувчи кранлар [16,17]. Ёрдамчи юк кутариш машиналарига домкратлар, курилиш чигирлари ва осма чигирлар (таллар ва электроталлар) қиради. Уларнинг афзаллиги шундаки, улар бир хил механизмлардан иборат бўлиб, юкларнинг горизонтал ва вертикал йуналишларда транспортировка қилади. Юкни вертикал транспортировка қилиш механизмларига домкратлар, курилиш чигирлари ва таллар қиради,

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Рақбар:		Тоиров О.З.				

горизонтал йуналишда эса рельсли йуллар буйича тортувчи чикирлар мисол булади.

Курилиш кутаргичлари. Бу машиналар юк ёки одамларни юкорига кутаришда ишлатилади. Улар каттик бириктирилган йуналтирувчи рейкаларда ҳаракат килади ва юкларни майдончаларда, одамларни эса махсус кабиналарда кутарилади.

Курилиш кранлари. Бу кранлар анчагина мураккаб ва универсал бўлиб, донатор юкларнинг кучиришда, курилиш конструкцияларини ва технологик курилмаларнинг кутаришда хизмат килади. Улар конструкциясига ва хизмат курсатиш майдонига кура консолли (стрелли) ёки протелли, стационар ёки кучма турларига бўлинади.

Консолли кранларга стационар-мачтали, мачта-стрелали, минорали, стрелали узи юрар кранлар ва махсус кувур ётқизувчи кранлар киради.

Пролетли кранларга: кўприкли, чорпояли ва кабелли кранлар юкнинг факат уз стреласи айланадиган доира ёки сектор атрофида кучиради.

Минорали кранлар рельсли йулда ҳаракатланиб, юкни кучиради ҳамда узунлиги рельсни узунлигига тенг ва эни кран кулочининг икки баробарига тенг туртбурчак майдонда хизмат килади.


Минорали кранлар куп сонли конструкцияларни кутариб урнига қуйишда қул келади. Стрелали узи юрар кранлар (автомобиль, пневмогидракли, гусеничали махсус шассига урнатилади) юкларнинг ер бўйлаб кучиради ва ҳар қандай қуринишдаги майдонда хизмат килади.

Чорпояли ва кўприкли кранлар махсус темир йулларда ҳаракат қилиб, тугри бурчакли ҳудудда хизмат курсатади. Кабель кранлар икки устун оралигида тортилган аркон бўйича юкни ҳаракатлантиради. Кранларнинг металл конструкциясига бир нечта механизмлар урнатилган булади. Типавий кран механизмлари: юкни илиб олувчи қисм; кран ҳаракатини таъминловчи механизм; стрела қулочини узгартирувчи механизм; буриладиган қисмни айлантирувчи механизмлардан иборат.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

Кран механизмлари юритмаларида ички ёнув двигателлари, гидравлик ёки электродвигателлар кулланилади.

Махсус кувур ёткизувчи кранлар. Бундай кранларнинг стреласи ён томонга жойлашган булиб, улар тракторларга урнатилади. Уларнинг афзалликлари шундан иборатки, бир-бирга уланган узун кувурларни машиналардан туширишда, нефть ҳамда газ куврларини чуқурга (траншеяга) ёткизишда, чуқур буйлаб килинадиган ишларни бажаришда кул келади.



1-расм. Юк кутариш машиналарининг тавсифи

1.2 Кранлар, умумий тушунчалар ва уларнинг турлари


Кранлар - юк кутарувчи ускуна булиб вертикал ва горизонтал равишда юкларни нисбатан кичик масофаларга узатиб беради.

Узининг конструктив тузилиши, вазифаси ҳамда ишлаш шароити буйича кранлар - кўприкли, портал, чорпоя, минорали ва бошқаларга ажралади.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:	Қодиров М					
Раҳбар:	Тоиров О.З.					

Машинасозлик ва турдош корхоналарда кўприкли кранлар кенг кулланилиб, бунда улар ёрдамида огир заготовка, машиналарнинг қисмлари цехлар бўйлаб бўйлама ва қундаланг равишда узатилади [17].

Кўприкли краннинг тузилиши асосан цехнинг хусусияти ва технологиясига боғлиқ бўлади. Лекин, краннинг қутариш ҳамда аравача механизми одатда турли кранлар учун бир хил конструкцияда бажарилади.



2-расм. Кўприкли краннинг умумий қурилиши

2-расмда кўприкли краннинг умумий қурилиши келтирилган. Краннинг пармаланган конструкцияси иккита асосий балкалардан (25, қоробка қурилишидаги қесим юзали) иборат бўлиб цехга нисбатан қундаланг равишда ўрнатилади.

2 ва 13 балкалари бўйлаб юритиш гилдираклари 15 ҳаракатланади. Конструкциянинг таянчида 1 цехнинг юқори қисмида 16 рельслари бўйича гилдираклар юради. Электр ускуналарга энергияни узатиш учун ёрдачи троллей 11 қулланади ва бу қурик бўйлар юради.

Юритувчи гилдираклар редуктор 14 ва трансмиссион вал 18 орқали электр двигател 19 ёрдамида юргизилади.

Қурик бўйлаб 20 рельслар ўрнатилади ва улар бўйлаб 12 гилдираклар редуктор 10 орқали 5 аравача қутариш лебедка билан биргаликда ҳаракатланади. Яъни, барабаннынг лебедкасига 6 қутариш қанотлари 24 ўралади ва блок 22 ёрдамида юқ ташувчи қрюк 23 юқни қутаради. Бундаги барабан электр двигателни 7 редуктор 8 орқали айлантиради.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:	Қодиров М					
Рақбар:	Тоиров О.З.					

Кран механизмларини бошқаришни оператор - кран ишчиси 27 кабинадан олиб боради. Кабина ичида механизмларнинг электр юритмаларини кул ости бошқариш органи 26 - контроллер ҳамда командоконтроллер жойлаштирилган.

Юритмаларни бошқарувчи электр аппаратураси 4 шкафлар ичида жойлашган ва кран купригида урнатилади.

Айнан шу жойда резисторлар кутчаси 22 жойланган. Люк 3 оркали кабинадан мостга чиқиш кузда тутилиб, бунда механизм ва электр ускуналарни таъмирлаш ишларини олиб бориш учун куприкка чиқиш имкони бўлади.

Кранни электр энергияси билан таъминлаш учун 17 бош троллеялар оркали сирпанувчи ток олувчилар ёрдамида амалга оширилади. 5 аравада жойлашган.

Электр ускуналарга энергияни узатиш учун ёрдачи троллея 11 кулланади ва бу куприк буйлар юради.


Юкнинг табиатига кура кўприкли кранларда турли қуринишдаги юк кутарувчи мосламалар кулланади. Булардан: илгакли, грейферли, магнитли, қисқичли ва ҳақозолар.

Юкорида айтиб кетилганлардан илгакли кутариш мосламаси ёки электромагнитлиси пулатдан бажарилган листлар, стружка ва бошқа ферромагнит материаллардан бажарилган деталларни кутаради.

Электр магнитни таъминлаш учун эгилувчан кабел ишлатилади ва униураш учун кабел барабани оркали ҳаракатга келтирилади.

Ҳамма турдаги кранларда асосий механизм сифатида юкларни узатиш учун кутариш лебедкаси ҳамда арава механизми кулланади. Шу сабабдан кран юритмаларини лойиҳалашда умумий масалаларни ечимини белгилашда ухшашликни беради. Масалан: статик юкламаларни ҳисоби, маълум қувват бўйича двигателни танлаш, ишчи режимларни таҳлил этиш, электр юритма тизими турини танлаш ва бошқалар.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				



3-расм. Кўприкли краннинг кутариш (а), аравача (б), умумий юриш гилдиракли куприк механизми(г), юриш гилдираклари алохида булган куприкмеханизми (д), кинематик схемалари ва юкламага боғлиқ булган кранмеханизмларини Ф.И.К. га боғликлиги эгри чизиғи

3-расмда кўприкли кранларининг механизмларини кинематик схемаси курсатилган. Двигателларнинг айланиш тезлиги барабаннингкутариш тезлиги ҳамда куприкнинг (аравачанинг) гилдиракларидан анча катта булгани сабабли ишчи механизмларга ҳаракат редуктор оркали узатилади.

Кутариш механизмлари учун полипазли П схемалар (3-а, расм) кенг кулланади ва бунда полипаз оркали ҳаракат барабандан Б илгакка К узатилади. расмда курсатилган схема буйича узатиш сони 4 га тенг.

3-б, расмда аравача механзмини схемаси келтирилган. Одатда аравача туртта гилдиракдан иборат булади. Гилдиракларнинг икkitаси редуктор Р оркали двигател Д ёрдамида ҳаракатга келтирилади. 3-б, расмга кура куприкнинг гилдиракларини юргизишда унинг урта қисмида жойлашган редуктор оркали двигател ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:	Қодиров М					
Раҳбар:	Тоиров О.З.					

Бундан ташкари куприкни механизмини хар бир гилдирагини алохида юргизувчи юритма хам кенг кулланади.

Краннинг хар кайси механизми механик тормозловчи ускуна Т билан жихозланади. Ушбу ускуна двигател ва редуктор орасидаги муфада ёки двигателни карама карши томонида тормозловчи шкивда жойлаштирилади.

Илгакни харакат тезлиги: 0,15-0,2 м/с

Аравачанинг харакат тезлиги: 0,6-1м/с

Куприкнинг харакат тезлиги: 2,0-2,3 м/с га тенг.

Юк кутарувчанлиги буйича кранлар шартли равишда куйидаги синфларга булинадилар:

Кутарувчанлиги кичик булган юки - 5-10 т

Кутарувчанлиги уртача булган юки - 10-25 т

Кутарувчанлиги катта булган юки - 50 т.дан ортик

Агар краннинг юк кутарувчанлиги 15 т ортса аравача механизмида иккита кутариш механизми урнатилади: биринчиси катта вазни юкларни кичик тезликда кутариш учун мулжалланган булади, иккинчиси - ёрдамчи булиб, кичик вазни юкларни катта тезликда кутариш учун ишлатилади, масалан 20/5, 30/5, 50/10 т.

Бундай чорага мурожаат килишнинг сабаби - енгил юкларни огир илгак билан кутариш чикими купрок булади. Чунки бундай вазиятда электр энергияни сарфланиш катта булади, самарадорлиги эса кичик.

Кранлар - юк кутарувчи ускуна булиб вертикал ва горизонтал равишда юкларни нисбатан кичик масофаларга узатиб беради. Узининг конструктив тузилиши, вазифаси хамда ишлаш шароити буйича кранлар - кўприкли, портал, чорпоя, минорали ва бошкаларга ажралади.


Машинасозлик ва турдош корхоналарда кўприкли кранлар кенг кулланилиб, бунда улар ёрдамида огир заготовка, машиналарнинг кисмлари цехлар буйлаб буйлама ва кундаланг равишда узатилади.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

Кўприкли краннинг тузилиши асосан цехнинг хусусияти ва технологиясига боғлиқ бўлади. Лекин, краннинг кутариш ҳамда аравача механизми одатда турли кранлар учун бир хил конструкцияда бажарилади.

Кранларнинг турлари

Куприк кранлар. Йирик иншоотларнинг фундаменти куришда, саноат бинолари курилмалари ва конструкцияларини монтаж қилишда ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида саноат биноларида куприк кранларидан фойдаланилади. У икки асосий қисмдан иборат: куприк ва юк аравачаси.



4-расм. Кўприкли краннинг қурилиши

Кран куприги металл конструкциядан иборат бўлиб, рельс бўйлаб ҳаракатланувчи аравачаларга ўрнатилган. Аравача кранни ҳаракатлантирувчи механизм 6 дан ҳаракат олади. Конструкциясига кура купрок кранлар бир ва икки балкали бўлади. Бир балкали кранлар 10 тоннагача юк кутариб, таянчлар орасидаги масофа (5...17метр) унча катта бўлмайди. Катта юк кутарувчи кранларда куприк кундаланг кесими туртбурчак ёки таврдан иборат бўлган бўйлама иккита балкалардан тайёрланади. Бу бўйлама балкаларда юк аравачаси ҳаракатланади. Аравача ҳаракатланиш 5 ва юк кутариш 4 механизмларидан иборат. Юк кутариш қобилияти 20 тоннадан ортиқ бўлган кранларда асосий ва ёрдамчи юк кутариш механизмлари қулланилади. Ёрдамчи юк кутариш механизмнинг юк кутариш қобилияти асосий юк кутариш

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варақ
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

механизмининг юк кутариш кобилиятидан 3...5 марта кичик. Куприк краннинг учала механизми алохида юритма оркали ҳаракатланади. Улар двигатель муфта - тухтатгич - редуктор - ижрочи қисм (юриш гилдираги ёки чигир барабан) схемаси бўйича тайёрланади. Кранни бошқариш куприкка осилган кабина 1 оркали амалга оширилади. Куприк кранлар энг қўп тарқалган кранлар бўлиб юкларни кутариш ва бир жойдан иккинчи жойга кутариш учун қўлланилади. Бундай кранлар цехларда ва очик эстокадаларда урнатилади. Уларни юритмаси дастак ва электрик бўлади. Дастаки юритмали кранлар бир ёки икки кўприкли бўлиши мумкин. Бир кўприкли кранларда юк кутариш вазифасини дастаки тал бажаради. Икки кўприкли кранларда эса юк кутариш вазифасини куприкларда урнатилган рельс бўйича ҳаракат қиладиган юкли аравача бажаради. Юк осийш органларининг тури бўйича илгакли, грейферли, магнитли ва махсус қўрилмали бўлиши мумкин.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

АРАВАЧАНИНГ ЮКЛАНИШ ДИАГРАММАСИНИ ҚУРИШ.

Кран илгакининг ҳаракатланиш тезланиши $a=0,15 \text{ м/с}^2$

Дастлабки ҳолат. Кран кутарувчи механизмнинг илгаки турган баландлик $H=7$ метрдан қуйидаги тезлик билан $v_p=0,22 \text{ м/с}$ пастга тушади.

Тезланиш олиш ва тўхташ вақтларини қуйидаги формулалар орқали ҳисоблаш мумкин:

$$t_1 = \frac{v_p}{a_d} = 0.22/0.15 = 1.47 \text{ с}$$

Юкланмаган кўтарувчи механизмнинг тезланиш олишда ва тўхташда босиб ўтган масофаси:

$$h_1 = \frac{a_d \cdot t_1^2}{2} = \frac{0.15 \cdot 1.47^2}{2} = 0.161 \text{ м}$$

Ушбу тезликда ҳаракатланиш вақти:

$$t_2 = \frac{H - 2 \cdot h_1}{v} = \frac{7 - 2 \cdot 0.161}{0.22} = 30.35 \text{ с}$$

Маълум вақт тўхташан сўнг, кўтарувчи илгакнинг юкни қуйидаги баландликга $H_m=4.5 \text{ м}$, тезлик билан $v_{yu}=0.25 \text{ м/с}$ кўтаради. Рухсат этилган тезланиши $a=0,13 \text{ м/с}^2$.

Тезланиш олиш ва тўхташ вақтларини қуйидагига тенг:

$$t_3 = \frac{v_{yu}}{a_d} = \frac{0.25}{0.13} = 1.92 \text{ с}$$

Тезланиш олиш ва тўхташда босиб ўтилган масофа:

$$h_2 = \frac{a_d \cdot t_3^2}{2} = \frac{0.13 \cdot 1.92^2}{2} = 0.24 \text{ м}$$

Ушбу тезликда ҳаракатланиш вақти:

$$t_4 = \frac{H_m - 2 \cdot h_2}{v} = \frac{4.5 - 2 \cdot 0.24}{0.25} = 16.08 \text{ с}$$

Шундан сўнг юк $H_m=4.5 \text{ м}$ баландликдан $v_p=0.22 \text{ м/с}$ тезлик, $a=0,13 \text{ м/с}^2$ тезланиши билан пастга туширилади. Тезланиш олиш ва тўхташ вақтларини қуйидагига тенг:

$$t_5 = \frac{v_p}{a_d} = \frac{0.22}{0.13} = 1.69 \text{ с}$$

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

Юкланмаган кўтарувчи механизмнинг тезланиш олишда ва тўхташда босиб ўтган масофаси $h=0.15$ м

Ушбу тезликда ҳаракатланиш вақти:

$$t_6 = \frac{H_m - 2 \cdot h}{v} = \frac{4.5 - 2 \cdot 0.15}{0.22} = 19.09 \text{ с}$$

Шундан сўнг юксиз кўтарувчи механизм аслабки ҳолатга $H=7$ м, баландликга қуйидаги тезлик $v_{yu}=0.25$ м/с билан кўтаради. Рухсат этилган тезланиши $a=0.13$ м/с². Тезланиш олиш ва тўхташ вақтларини қуйидагига тенг $t_7=1.923$ с.

Тезланиш олиш ва тўхташ учун босиб ўтилган баландлик: $h_4=0.24$ м

Ушбу тезликда ҳаракатланиш вақти:

$$t_8 = \frac{H - 2 \cdot h_4}{v} = \frac{7 - 2 \cdot 0.24}{0.25} = 26.08 \text{ с}$$

Юритманинг умумий ишлаш вақти:

$$t_{umum} = \sum t_i = 2 \cdot t_1 + t_2 + 2 \cdot t_3 + t_4 + 2 \cdot t_5 + t_6 + 2 \cdot t_7 + t_8 = 2 \cdot 1.47 + 30.35 + 2 \cdot 1.923 + 16.08 + 2 \cdot 1.69 + 19.09 + 2 \cdot 1.923 + 26.08 = 105.6 \text{ с}$$

Шарт бўйича тўхтабтуришлар вақти умумий вақтнинг 50 % ни ташкил қилади. У ҳолда тўхтаб туришлар вақтини ҳисобласак бўлади:

$$t_t = 0.5 \cdot t_{umum} = 0.5 \cdot 105.6 = 52.8 \text{ с}$$

Иш жараёни тўлиқ вақти қуйидагича

$$t_{i,j} = t_{umum} + t_t = 105.6 + 52.8 = 158.4 \text{ с}$$

Уланиш давомийлиги ПВ%

$$\text{ПВ\%} = \frac{t_{umum}}{t_{i,j}} \cdot 100 \% = \frac{105.6}{158.4} \cdot 100 \% = 66.7 \%$$

Мотор қуйидаги иш режимида S3 ишлайди ва ишлаш вақти 5 минутдан кам.

Кўтарувчи илгакнинг чизиқли тезлигидан, мотор валининг бурчакли тезлигига ўтамир:

$$\omega_p = \frac{v_p \cdot i_p \cdot i_r \cdot 2}{D_b} = \frac{0.25 \cdot 3 \cdot 12 \cdot 2}{0.25} = 72 \text{ рад/с}$$

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				


$$\omega_{yu} = \frac{v_{yu} \cdot i_p \cdot i_r \cdot 2}{D_b} = \frac{0.22 \cdot 3 \cdot 12 \cdot 2}{0.25} = 63.4 \text{ рад/с}$$

Бунда $i_p = 3$ – полипастрнинг узатиш коэффициентлари, $i_r = 12$ – редукторнинг узатиш сони, $D_b = 0.25\text{м}$ – барабан диаметри.

Топилган вақт ва тезликлар қиймати асосида араваҳанинг юкланиш диаграммасини қураимиз. Юкланиш диаграммаси 5-расмда кўрсатилган.

1-жадвал.

Вақт	t ₀	t ₁	t ₂	t ₃	t ₄	t ₅	t ₆	t ₇	t ₈
	0	1,46	30,35	1,923	16,08	1,69	19,09	1,923	26,08
Баландлик	7	6,67	0	0,240	4,5	4,35	0	0,240	7



5-расм. Харакатланиш жараёни тахограммаси.

Момент ва қаршилик кучларини аниқлаймиз

Юк кўтарувчи илгакнинг юксиз ҳолатда пастга туширилганда мотор валидаги моментини, қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$M_{c1} = \frac{G_0 \cdot D_b \cdot (2 - \frac{1}{\eta_p \cdot \eta_r})}{i_p \cdot i_r \cdot 2} = \frac{100 \cdot 0.25 \cdot (2 - \frac{1}{0.88 \cdot 0.85})}{12 \cdot 3 \cdot 2} = 0.23 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Юкни туширишда мотор валидаги момент:

$$M_{c3} = \frac{(G_0 + G) \cdot D_b \cdot (2 - \frac{1}{\eta_p \cdot \eta_r})}{i_p \cdot i_r \cdot 2} = \frac{(100 + 3500) \cdot 0.25 \cdot (2 - \frac{1}{0.88 \cdot 0.85})}{12 \cdot 3 \cdot 2} = 8.29 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Юкни кўтаришда мотор валидаги момент:

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	ИМЗО	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Баждарди:	Қодиров М					
Раҳбар:	Тоиров О.З.					

$$M_{c2} = \frac{(G_0 + G) \cdot D_b}{i_p \cdot i_r \cdot 2 \cdot \eta_p \cdot \eta_r} = \frac{(100 + 3500) \cdot 0.25}{12 \cdot 3 \cdot 2 \cdot 0.88 \cdot 0.85} = 16.7 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Юк кўтарувчи илгакнинг юксиз холатда юқорига кўтарилганда мотор валидаги моментини, қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$M_{c2} = \frac{G_0 \cdot D_b}{i_p \cdot i_r \cdot 2 \cdot \eta_p \cdot \eta_r} = \frac{100 \cdot 0.25}{12 \cdot 3 \cdot 2 \cdot 0.88 \cdot 0.85} = 0.46 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Бунда $G=3500$ кг -юк массаси; $G_0=100$ кг – юк кўтарувчи илгакнинг тўлиқ массаси.

$\eta_p=0.85$ % -полипастрнинг ФИК, $\eta_r=0.88$ % - редукторнинг ФИК.

Электр юритманинг механик қисмини ҳисоблаш ва схемасини тузиш.

Кинематик схема 2-расмда кўрсатилган.

J_{pri} – айланувчи қисмнинг инерция моменти;

J_{prj} – давомий ҳаракатни амалга оширувчи қисмнинг инерция моменти;

c_i – бикрлик;

i – узатишлар сони.

Берилган схема параметрларини ҳисобий қийматга келтирамиз

$$J_{pri} = \frac{J_{pr}}{i_i^2}; \quad c_{pri} = \frac{c_{pr}}{i_i^2}; \quad J_{prj} = m_j \cdot p_j^2;$$

Барабанинг инерция моменти қуйидагича ҳисобланади.

$$J_b = \frac{G_b}{g} \cdot \frac{D_b^2}{8 \cdot i_{red}^2} = \frac{65 \cdot 0.25^2}{9.81 \cdot 8 \cdot 12^2} = 0.007 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$$

бунда, $G_b=65$ кг – барабанинг оғирлиги, $D_b=0.25$ м - барабанинг диаметри; $i_{red}=12$ – редукторни узатишлар сони,

Юкнинг инерция моментини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаймиз

$$J_{yuk} = \frac{G + G_0}{g} \cdot \frac{D_b^2}{4 \cdot i_{red}^2 \cdot i_{pol}^2} = \frac{3500 + 100}{9.81} \cdot \frac{0.25^2}{4 \cdot 12^2 \cdot 3^2} = 0.0044 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$$

бунда, $G=3500$ кг – юк массаси; $D_b=0.25$ м - барабанинг диаметри; $i_{pol}=3$ – полипастрнинг узатиш коэффициенти,

Юк кўтаргичнинг инерция моментини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаймиз

$$J_b = \frac{G_0}{g} \cdot \frac{D_b^2}{4 \cdot i_{red}^2 \cdot i_{pol}^2} = \frac{100 \cdot 0.25^2}{9.81 \cdot 4 \cdot 12^2 \cdot 3^2} = 0.001 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$$

бунда, $G_0=100$ кг- юк кўтаргичнинг массаси;

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

Моторнинг инерция моменти $J_{ДВ} = 0.75 \text{ kg} \cdot \text{m}^2$. Редукторга келтирилган инерция моменти қуйидагига, мотор инерция моментининг 40 % га тенг.

$$J_r = 0.4 \cdot J_{ДВ} = 0.4 \cdot 0.75 = 0.3 \text{ kg} \cdot \text{m}^2$$

Муфтанинг инерция моменти

$$J_{MPP} = \frac{J_M}{i_{red}^2} = \frac{0.45}{12^2} = 0.0031 \text{ kg} \cdot \text{m}^2$$

Муфтанинг келтирилган бикрлик коэффициенти

$$c = \frac{c_M}{i_i^2} = \frac{8.1 \cdot 10^7}{12^2} = 562500 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Канат(пўлат аркон)нинг келтирилган бикрлиги

$$c_3 = c_k \cdot \frac{D_b^2}{4 \cdot i_{red}^2 \cdot i_{pol}^2} \cdot \frac{N}{H} = 1.82 \cdot 10^6 \cdot \frac{0.25^2 \cdot 4}{4 \cdot 12^2 \cdot 3^2 \cdot 7} = 11.37 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

бунда, N=4 тутиб турувчи канатлар сони H=7м – максимал кўтариш баландлиги.

Тўрт массали ҳисоблаш схемаси

$$J_1 = J_r + \frac{J_M}{2} = 0.75 + \frac{0.45}{2} = 0.975 \text{ kg} \cdot \text{m}^2$$

$$J_2 = J_k + \frac{J_M}{2} + \frac{J_{MPP}}{2} = 0.3 + \frac{0.45}{2} + \frac{0.0031}{2} = 0.527 \text{ kg} \cdot \text{m}^2$$

$$J_3 = J_b + \frac{J_{MPP}}{2} + 0.08 \cdot J_\Sigma = 0.001 + \frac{0.0031}{2} + 0.08 \cdot 1.502 = 0.122 \text{ kg} \cdot \text{m}^2$$

$$J_4 = J_{yuk} = 0.004 \text{ kg} \cdot \text{m}^2$$

Уч массали эквивалент ҳисоблаш схемасига ўтамыз. Эквивалент схема параметрларини ҳисоблаш қуйидаги формулалар орқали амалга ошади.


$$J'_{1\Sigma} = J_1 + J_2 = 0.975 + 0.527 = 1.502 \text{ kg} \cdot \text{m}^2$$

$$c'_1 = \frac{c_1 \cdot J'_{1\Sigma}}{J_1} = \frac{8.1 \cdot 10^7 \cdot 1.502}{0.975} = 124745192.3 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Эквивалент бикрлик қуйидагича ҳисобланади

$$c_{1\text{экв}} = \frac{c'_1 \cdot c_2}{c'_1 + c_2} = \frac{124745192.3 \cdot 562500}{124745192.3 + 562500} = 559975 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

6-расмда кўрсатилган эквивалент алмаштиришга ўтамыз



6-расм. Икки массали ҳисобий схема

$$J'_{2\Sigma} = J'_{1\Sigma} + J_3 = 1.502 + 0.122 = 1.624 \text{ kg} \cdot \text{m}^2$$


Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

$$c'_2 = \frac{c_{1ЭКВ} \cdot J'_{2\Sigma}}{J'_{1\Sigma}} = \frac{559975 \cdot 1,624}{1,502} = 605623,8 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

$$c_{2ЭКВ} = c'_2 + c_3 = 605623,8 + 11,37 = 605635,17 \text{ Н} \cdot \text{м}$$


Ишчи машинани юклама диаграммаси ва механик характеристикасини қуриш

Юклама диаграммасини қуриш учун талаб қилинган барча қийматлар юқорида келтирилган 7-расмда юклама диаграммаси тасвирланган



7– расм. Юклама диаграммаси

Ўткинчи жараён вақти, ўрнатилган ҳаракат вақтининг 10 % дан ҳам кам. Шунинг чун юклама диаграммасини қуриш учун динамик моментни ҳисоблаш керак эмас. Юклама моментини билган ҳолатда, ишчи машинани механик характеристика графигини қуриш мумкин. 8-расмда механик характеристика кўрсатилган.




Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

“Электр юритма - тармоқ” ва “Электр юритма -оператор” тизими ва унинг тахлили

Кўприк кўтарма кран электр юритмаси уч фазали тармоқ кучланиши 380 В ва частотаси 50 Гц бўлган тармоқан таъминланган. Саноатлашган электр тармоқда кучланиши тушуви, шунингдек шикастланиш ҳолатлари, тармоқ кучланишининг тебраниши, пасайишида электр юритмани ишлашини таъминлаш учун қисқа туташув токидан ҳимояланган. Бунинг учун электр юритмани тармоққа автомат ёрдамида улаймиз, бу комутация қурилмаси моторни қисқа туташув тоқларидан, таъминловчи тармоқдан, юкламадан ҳимоялайди. Кўприк кранни бошқариш бевосита крачи томонидан амалга оширилади, шунинг учун бошқарув нисбаттан оддий бўлиши керак, бошқарувчи томонидан кўприк кранни ишга тушириш ва тўхтатиш осон амалга оширилиши керак, шунинингдек ҳаракатлар аниқ бир номинал тезликда амалга оширилиши керак.

Электр юритмани механик қисмини қуриш

9-расмда. Кўприк краннинг ҳаракатланувчи аравачасининг кинематик схемаси берилган.



9 - расм. Кутарувчи электр юритма механизмининг кинематик схемаси.

Двигателларнинг айланиш тезлиги барабаннинг кутариш тезлиги ҳамда куприкнинг (аравачанинг) гилдиракларидан анча катта булгани

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

сабабли ишчи механизмларга ҳаракат редуктор оркали узатилади. Кутариш механизмлари учун полипасти П схемалар (9- расм) кенг кулланади ва бунда полипасти оркали ҳаракат барабандан Б илгакка К узатилади. 9-расмда курсатилган схема бўйича узатиш сони 4 га тенг. 9- расмда аравача механизмини схемаси келтирилган. Одатда аравача туртта гилдиракдан иборат бўлади. Гилдиракларнинг иккитаси редуктор Р оркали двигател Д ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Расмга кура куприкнинг гилдиракларини юргизишда унинг урта қисмида жойлашган редуктор оркали двигател ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Кейинги пунктда электр юритманинг механик қисмини ҳисоблаш схемаси келтирилган

9-расм. Қўйида элементларнинг номи келтирилган:

- 1 - мотор;
- 2 -бирлаштирувчи муфта;
- 3 - редуктор;
- 4 –барабан;
- 5 – канат;
- 6 – полиспаст;
- 7 – юк илдиргич;

Юритма типини танлаш ва координатавий ростлаш усулини топиш

Кран механизмини ҳаракатлантириш учун бир нечта вариантдаги моторларни қўллаш мумкин. Булар бўлиши мумкин: мустақил ёки кетма-кет қўзғатишли ўзгармас ток мотори, бўлиши мумкин асинхрон мотор. Умумий мақсадаги моторларни қўлласа ҳам бўлади. Шунингдек саноатда кранлар учун мўлжалланган махсус сериядаги ўзгармас ва ўзгарувчан ток моторлар қўлланилади. қўйида келтирилган ҳар бир мотор ўзининг афзаллик ва камчиликларга эга. Масалан ўзгармас ток моторлари айланиш тезлиги осон ва яхши ростлай олади, аммо лчамлари бўйича ўзгарувчан ток моторларидан анча катта ва нархи қиммат. Асинхрон моторнинг ўлчамлари анча кичкина, аммо мотор тезлигини ростлаш ўзгарувчан ток моторларида мураккаб. Таъминловчи тармоқ кучланиши бошқарилувчи тўғирлагич ёрдамида мустақил қўзғатишли ва якорга қўшимча қаршилик улаш ёрдамида, мутақил ва кетма-кет қўзғатиш ўзгармас ток мотори тезлиги ростланади. Ротори қисқа туташтирилган асинхрон мотор тезлигини ростлашда частота ўзгартиргич қўлланилади.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

Барча кўрсатиб ўтилган усуллар бир-биридан ўзининг мураккаблиги, исрофлари, нархи билан ҳам фарқ қилади ва ўз навбатида ҳар бир ҳолат учун оптимал ростлашни талаб қилади. Қуйида келтирилган усуллар ёрдамида юритмага қўйилган талаблар бажарилади.

- мустақил қўзғатишли ўзгармас ток моторида, кучланишни ростлаш бошқариладиган тўғирлагич ёрдамида;
- кетма-кет қўзғатишли ўзгармас ток моторида, якорни шунтлаш ёрдамида;
- умумий мақсаддаги ротори қисқа туташган а.м да, частотавий бошқариш ёрдамида;
- умумий мақсаддаги фаза роторли а.м да, ротор занжирига қаршилик критиш ёрдамида;

Келтирилган вариантларни такқослаш, баҳолаш ва киёслаш

Берилган вариантларни баҳолаш ва таққослаш тажрибавий баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда бажарилади. Бир нечта критерия асосида таққослаймиз. Бу ҳолатда: ўлчамлари бўйича, исрофлари, нархи, ишончлилик ва ростлаш силиқлиги. Ҳар бир критерия бўйича максимал баҳолаш асосида баҳоланиб чиқилади. Шундан сўнг ҳар бир вариант бўйича баллар қўшилиб таққосланади ва энг кам балли вариант танланади. Таққослаш диаграммаси 10-расмда. келтирилган.

Натижаларни қуйидагича ҳисоблаймиз

$$S_1 = 4 \cdot 5 + 3 \cdot 5 + 4 \cdot 3 + 4 \cdot 4 + 2 \cdot 4 + 5 \cdot 4 = 91;$$


$$S_2 = 2 \cdot 5 + 3 \cdot 5 + 3 \cdot 3 + 1 \cdot 4 + 4 \cdot 4 + 3 \cdot 4 = 66;$$

$$S_3 = 5 \cdot 5 + 4 \cdot 5 + 4 \cdot 3 + 4 \cdot 4 + 1 \cdot 4 + 5 \cdot 4 = 97;$$

$$S_4 = 5 \cdot 5 + 4 \cdot 5 + 4 \cdot 3 + 4 \cdot 4 + 1 \cdot 4 + 4 \cdot 4 = 74;$$

Ҳисоблашлардан кўринадики, энг катта йиғинди баҳолаш частотавий бошқариладиган қисқа туташган роторли АМ

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				



10 -расм.Натижалар йигиндисини бахоловчи диаграмма

----- Фаза роторли АМ

- · - Бош.гўғр ЎТМ

———— Ротори қ.т АМ

— · — Якори шунт.ЎТМ

Электр юритмани ҳисоблаш.

Мотор танлаш

Моторни дастлабки танлашда эквивалентмомент усулидан фойдаланамиз. Бу уз навбатида моторни қизиш ва ута юкланишда текшириш имконини беради.

Юритманинг тулик иш режими куйидагича 158,4 сек, бу киймат 4 минутдан хам кам. Демак юритма ҳисоби S3 режимида ишлайди. Эквивалент момент кийматини куйидаги формуладан топамиз:

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

$$M_{\text{экв}} = \sqrt{\frac{\sum M_i^2 \cdot t_i}{t_{\text{умум}} - t_{\text{тух}}}}$$

бунда, M_i –юклама диаграммасининг i -кисмидаги статик момен киймати, Н×м;

t_i – M_i момент билан ишлаш вакти, с;

$t_{\text{умум}}$ – цикл вакти, с;

$t_{\text{тух}}$ – тухташ вакти, с.

Мотор номинал хисобий тезлигини куйидагига тенг деб оламиз
 $n_{\text{н.хис}}=1500$ айл/мин, $\omega_{\text{н.хис}}=157$ рад/с. Моторурнатилган режимда бундан кичик тезлика ишлайди.

Формулага вакт ва момент кийматларини куйиб, эквивалент момент кийматини топамиз:

$$M_{\text{экв}} = \sqrt{\frac{\sum M_i^2 \cdot t_i}{t_{\text{умум}} - t_{\text{тух}}}} = 8,21 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

$$M_{\text{э.ст}} = M_{\text{экв}} \sqrt{\frac{ПВ_{\text{рс}}}{ПВ_{\text{ст}}}} = 8,21 \cdot \sqrt{\frac{66,67}{40}} = 10,6 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Хисобий кувват киймати куйдагига тенг

$$P_{2\text{хис}} = k_3 \cdot M_{\text{э.ст}} \cdot \omega_{\text{н.хис}} = 1,3 \cdot 10,6 \cdot 157 = 2163 \text{ Вт}$$

Аникланган номинал тезлик ва кувват кийматлари асосида ротори киска туташган асинхрон моторнинг куйидаги типини 4А90L4У3

S3 номинал иш режимидакуйидаги паспорт маълумотларни критамиз:

номинал кувват $P_H = 2,2\text{кВт}$

синхрон айланиш частотаси $\omega_0 = 157,0\text{рад / с.}$

номинал кувват коэффиценти $\cos\varphi_H = 0,83$

номинал фойдали иш коэффиценти $\eta_H = 77,5\%$

инерция моменти $J_{\text{дв}} = 0,006 \text{ кг м}^2$.

ПВ%=40%

номинал сирпаниш $S_H = 5\%$

статор номинал токи $I_{\text{н}} = 4,0 \text{ А}$

максимал момент карралиги $\mu_k = 2,2$

юрғизиш моменти карралиги $\mu_{\text{юр}} = 2$

юрғизиш токи карралиги $I_{\text{юр}}/I_H = 6$

Каршиликлар: $r_1=0,11 \text{ ом}; r'_2=0,06 \text{ ом}; X_1=0,3 \text{ Ом}; X'_2=0,41 \text{ Ом.}$

Зарурий шартларга $P_{2H} > P_{2\text{хис}}$ текширилади. Моторни номинал моментини топамиз:

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

$$\omega_H = \omega_0 \cdot (1 - s) = 157 \cdot (1 - 0.05) = 149.2 \text{ рад/с}$$

$$M_H = \frac{P_{2H}}{\omega_H} = \frac{2200}{149.2} = 14.75 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Шарт $M_H > M_{\text{ЭКВ}}$ бажарилгани учун танланган мотор тугри келади.

Ўзгартиргич танлаш ва параметрларини ҳисоблаш.

Частота ўзгартиргич танлаш шартлари: $U_{\text{чик}} = 380 \text{ В}$, $P_{\text{чик}} \geq 2.5 \text{ кВт}$.
Куйидаги частота ўзгартиргич танлаймиз: Hitachi SJ250-2,5HFE

Куйидаги паспорт маълумотлар асосида

Номинал қувват: 2,5 кВт
Номинал ток: 10 А
Частота диапазони: 0,1 - 400 Гц $\pm 0.01\%$
Доимий тезликни сақлаш аниқлиги: $\pm 0.5\%$

Частота ўзгартиргич моторни электрон термореле ёрдамида химоялайди. Ўзгартиргич силиқ ва секин тўхташ ва тезланиш олишни амалга оширади. Моторни тўхташ ва тезланиш олиш вақти бир-биридан мустақил равишда 0,01дан 3600 секунд интервалда берилади. Айрим ҳолларда иккита қиймат тезланиш олиш учун ва иккита қиймат тўхташ учун берилиши мумкин. Шунингдек ўзгартиргичда ток ростлагичи ўрнатилган бўлиб ва бу ростлагич орқалитезликни пропорционал (П), пропорционал-интеграл (ПИ) ёки пропорционал-интеграл-дифференциал (ПИД) ўзгартириш мумкин. Ўзгартиргич учун трансформатор керак эмас.

Мотор ва юритмани статик механик ва электромеханик характеристикаларини ҳисоблаш

Моторни статик механик ва электромеханик характеристикаларини ҳисоблаш.

Асинхрон моторни статик механик характеристикасини куйидаги Клосс формуласи ёрдамида ҳисоблаймиз.

Критик сирпаниш қиймати куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$s_k = \frac{r'_2}{\sqrt{r_1^2 + (x_1 + x'_2)^2}} = \frac{0.065}{\sqrt{0.105^2 + (0.305 + 0.41)^2}} = 0.09 \text{ Ом}$$

Механик характеристикани ҳисоблашда Клосс формуласи куйидагича:

$$M = \frac{M_k \cdot (2 + q)}{\frac{s}{s_k} + \frac{s_k}{s} + q}$$


бунда

$$q = \frac{2 \cdot r_1 \cdot s_k}{r_2} = \frac{2 \cdot 0.105 \cdot 0.09}{0.065} = 0.291$$

$$M_k = \mu_k \cdot M_H = 2.2 \cdot 14.75 = 32.45 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

Класс формуласига сирпанишнинг турлича қийматларини қўйиб (бурчакли тезлик), моментнинг бир нечта қийматларини оламин ва моторни табиий механик характеристика графигини курамин. Моторнинг механик характеристикани ҳисоблашлари MatLab 2008 дастури (пакети) ёрдамида амалга оширилади.



11-расм. Моторнинг табиий механик характеристикаси.

Электромеханик характеристика ҳисоблашлари - статор токи I_1 нинг сирпаниш S га боғлиқлиги формуласи

$$I_1 = \frac{I_{1H} \cdot \cos \varphi_H}{\sqrt{1 - 1/i_{2M}^2}} \cdot \sqrt{i_{\mu}^2 + i_2^2 \cdot (1 + 2 \cdot i_{\mu}/i_{2M})}$$

$$I_2' = \frac{I_{1H} \cdot \cos \varphi_H}{\sqrt{1 - 1/i_{2M}^2}} \cdot \sqrt{\mu_{юр} \cdot \frac{(2 + q)}{s_H \cdot (\frac{s}{s_k} + \frac{s_k}{s^2} + \frac{q}{s})}}$$


бу ерда,

$$i_{2H} = \sqrt{\frac{\mu_k \cdot (2 + q)}{s_H \cdot (\frac{1}{s_k} + \frac{3 \cdot q^2}{4 \cdot s_k})}} = \sqrt{\frac{2.2 \cdot (2 + 0.291)}{0.05 \cdot (\frac{1}{0.09} + \frac{3 \cdot 0.29^2}{4 \cdot 0.09})}} = 2.92 \text{ A}$$

$$i_2 = \sqrt{\frac{\mu_k \cdot (2 + q)}{s_H \cdot (\frac{1}{s_k} + \frac{s_k}{s^2} + \frac{q}{s})}}$$


Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	ИМЗО	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

Ушбу формулага статорнинг номинал токи, максимал момент карралиги, критик сирпаниш ва q , шунингдек сирпаниш (тезлик)ни турли қийматларини қўйиб, ротор токининг турли қийматларини олампиз ва шу қийматлар асосида электромеханик характеристика графиги курилади. Олинган қийматлар ва характеристикани ҳисоблашлари MatLab 2008 дастури (пакети) ёрдамида амалга оширилади.



12-расм. Юритманинг статик механик характеристика графиги.

Тезликни ростлашда қуйида кўрсатилган ПИ – ростлагичдан фойдаланилган, бу ростлагич нол қийматли статик хатоликни кўрсатади ва шунинг учун юритманинг механик характеристикиси абсолют қаттиқ бўлади.




13-расм. Юритмани ростлашдан кейинги механик характеристикиси.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

Юритманинг иш режими давомида ўткинчи режими

Электр юритмани моделлашни Mathlab R8 муҳитида бажарамиз. Вентелли частота ўзгартиргичларда коммутация частотаси жуда катта (тахминан 15000 Гц), аммо коммутациянинг доимий вақти жуда кичик бўлгани учун уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Частота ўзгартиргични моделлаштиришда узатиш коэффициентли чизикли бўғин кўринишида ифодаляимиз.




14-расм. Частота ўзгартиргичнинг структуравий схемаси.

Бизда механик қисми икки массали ҳисобий схема бор. Икки массали ҳисобий схема учун ифода:

$$M - M_{12} = J_1 \frac{d\omega_1}{dt}; \quad M_{12} - M_C = J_2 \frac{d\omega_2}{dt}; \quad M_{12} = C_{12} \int (\omega_1 - \omega_2)$$

M_C киймати юкланинг турига боғлиқ. Юклама тури актив (потенциалли), да $M_C = \text{const}$.

Икки массали механик қисм ҳисобий структуравий схемаси 15-расмда кўрсатилган:



15 –расм. Механик қисмининг структуравий схемаси.

Асинхрон моторни моделлаштиришда чизикли моделлаштиришдан фойдаланамиз:

$$T_{\mathcal{E}} \frac{dM}{dt} + M = \beta \cdot (w_0 - w)$$

ёки оператор усулидан

$$M(T_{\mathcal{E}}p + 1) = \beta \cdot (w_0 - w)$$

бунда β - характеристикани қаттиқлиги, формула бўйича аниқланади


$$\beta = \frac{2 \cdot M_K}{\omega_{\text{о.э.л.н}} \cdot S_k / p_{\Pi}} =$$

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	ИМЗО	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:	Қодиров М					
Раҳбар:	Тоиров О.З.					

T_{Σ} - моторнинг доимий электромагнитавий вақти, қуйидаги формуладан аниқланади:

$$T_{\Sigma} = \frac{1}{\omega_{0.эл}}$$

16 –расмда асинхрон моторнинг чизиклаштирилган модели курсатилган.



16 –расм. Асинхрон моторнинг чизиклаштирилган модели.
Мотор максимал моментининг қиймати:

$$M_{\max} = 2 \cdot \beta \cdot K_f \cdot K_{pm} \cdot U_{zm}$$

Частота бўйича ўзгартиргичнинг узатиш коэффициенти ўзгартиргич чиқишидаги максимал сигнални, момент ростлагичи киришидаги максимал сигналга нисбати орқали аниқланади:

$$K_f = \frac{\omega_{0\max}}{10}$$

Максимал моменнинг қиймати мотор табиий характеристикадаги критик момент қийматига тенг:

$$M_{\max} = \mu_k \cdot M_n$$

K_{pm} ни тенгламадан топамиз:

$$K_{pm} = \frac{M_{\max}}{2 \cdot \beta \cdot K_f \cdot U_{zm}}$$

Момент ростлагичи П–симон ростлагич кўринишида берилган. Тескари алоқанинг кучайтириш коэффициенти чегаравий қиймати, моментни ростлашни нол хатолик билан аниқликда таъминлайди:

$$K_{nc} = \frac{1}{K_f K_{pm}} =$$

Тезлик контурини ҳисоблашда момент контурини бўғин кўринишида тасвирлаймиз

$$M \cdot (T_{\Sigma} p + 1) = 2 \cdot \beta \cdot K_f \cdot K_{pm} \cdot U_{zm} + (K_f \cdot K_{pm} \cdot K_{nc} - 1) \cdot \omega$$

$$M \cdot (T_{\Sigma} p + 1) = 2 \cdot \beta \cdot K_f \cdot K_{pm} \cdot U_{zm}$$

ифодаси

$$K_M = 2 \cdot \beta \cdot K_f \cdot K_{pm}$$

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

Моментни ростлаш контурини оптималлашган узатиш функцияси

$$M = \frac{K_M}{T_\Sigma p + 1} \cdot U_{\Sigma M}.$$

бунда

$$K_M = 2 \cdot \beta \cdot K_f \cdot K_{pM}$$

тезлик бўйича тескари алока датчикнинг узатиш коэффиценти кучланишнинг берилган кийматида тезликнинг максимал киймати ёрдамида ҳисобланади:

$$K_{oc} = \frac{10}{\omega_{mnp}}$$

Тезликни ростлаш контурининг кичкина компенсация қилинмаган доимий вақти ва моторнинг электромагнит доимийсини $T_\mu = T_\Sigma = 0,036c$ деб оламиз.

Тезлик контуридаги катта компенсацияловчи вақт моторнинг механикавий доимийси ҳисобланади. Статикада нол қийматли хатоликни олиш учун ва динамика тезлик ростлагичи ПИ – регулятор сифатида кўрсатилиши керак. Тезлик ростлагичини симитрик оптимумга қурамыз. Талаб этилган тезлик контурининг симитрик оптимуми:

$$W_{ж}(p) = \frac{4 \cdot T_\mu \cdot p + 1}{4 \cdot T_\mu \cdot p} \cdot \frac{1/K_{oc}}{2 \cdot T_\mu \cdot p \cdot (T_\mu \cdot p + 1)}$$

Ростлаш обектининг узатиш функцияси

$$W_{op}(p) = \frac{1}{J_\Sigma p} \cdot \frac{K_M}{(T_\mu \cdot p + 1)}$$

Тезлик контури узатиш функциясини ростлаш обектининг узатиш функциясига бўлиб, тезлик ростлагичини узатиш функциясини оламиз:

$$W_{pc}(p) = \frac{4 \cdot T_\mu \cdot p + 1}{8 \cdot T_\mu^2 \cdot K_M \cdot K_{oc} \cdot (1/J_\Sigma) p} = \frac{T_k p + 1}{T_u p} = K_1 + K_2 \frac{1}{p}$$

бунда

$$T_k = 4 \cdot T$$

$$T_u = 8 \cdot T_\mu^2 \cdot K_M \cdot K_{oc} \cdot \frac{1}{J_\Sigma}, c$$

бунда, $J = 1.624 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$ юритманинг йиғинди инерция моменти


$$K_1 = \frac{T_k}{T_u}$$

$$K_2 = \frac{1}{T_u}$$

Ўткинчи режим жараёни ҳисоблашлари Matlab R8 мухитида бажарилади.

Кўтарма кран электр юритмасининг тадқиқ қилинадиган модели 17-расмда келтирилган.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				



17-расм. Тақик этиладиган кўтарма краннинг модели

Қувват ҳисоби ва мотор қуввати тўғри танлангани текширамиз.

Мотор қуввати ҳисоблашларини тўғрилигини ўртача исрофлар усулидан топамиз.

Моторнинг тўлиқ номинал исрофлари қуйидагига тенг:

$$\Delta P_n = P_n \cdot \frac{1 - \eta_n}{\eta_n}, \text{ Вт.}$$

$$\Delta P_n = P_n \cdot \frac{1 - \eta_n}{\eta_n}$$

Моторнинг ўзгарувчан номинал исрофлари қуйидагига тенг:

$$\Delta P_{v_n} = M_n \cdot \omega_{on} \cdot s_n \cdot \left(1 + \frac{r_1}{r_2'} \right)$$

Доимий исрофлар қуйидагига тенг:

$$\Delta P_c = \Delta P_n - \Delta P_{v_n}$$

Иш режим даврида ўртача исроф қуйдагича:

$$\Delta P_{cp} = \frac{\int_0^{T_u} \Delta P_i \cdot dt}{\beta_j \cdot T_u}$$

бу ерда, ΔP_i - i -вақтдаги исроф,

ω_j тезликда, совутишни ёмонлашиш коэффициенти

$$\beta_j = 0.55$$

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	ИМЗО	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				


$T_{ц}=302$ с. – жараён вақти

i-вақт моментидаги исрофни қуйидаги ифода билан ҳисоблаймиз:

Формулани тенгламага қўйиб қуйидагини оламиз

$$\Delta P_{\text{ўрт}} = \frac{\int_0^{T_{ц}} \Delta P v_n \cdot \left(\alpha + \frac{M^2}{M_n^2} \right) dt}{\beta_j \cdot T_{ц}} = \frac{\Delta P v_n \cdot \int_0^{T_{ц}} \left(\alpha + \frac{M^2}{M_n^2} \right) dt}{\beta_j \cdot T_{ц}}$$

Тенгламадан фойдаланиб электр юритманинг иш режими бўйича ўртача исрофни топамиз. Ўртача исрофни топишда электр юритманинг моделидан фойдаланамиз. Биринчи моторнинг электромагнит момент квадрaтини критамиз. Кейин чиққан натижани номинал момент квадрaтига бўламиз ва $\frac{\Delta P v_n}{\beta_j \cdot T_{ц}}$ га қўшамиз. Шундан сўнг натижани интеграллаб α га қўшамиз, олинган қиймат иш режимининг ўртача исрофи бўлади. Ўртача исрофни топиш учун қурилган модел 18-расмда кўрсатилган.



18-расм. Юритманинг иш режими давомида ўртача исроф аниқланадиган модел.

Моделлаштириш ёрдамида юритманинг иш режими давомида ўртача исроф аниқланди.

$$\Delta P_{\text{ўрт}} = 275 \text{ Вт}$$

Моторни юкланиш коэффиценти қуйидагича:

$$k = \frac{\Delta P_{\text{ўрт}}}{\Delta P_n} \cdot 100 \%$$

Мотор 85.4 % юкланган, яъни 70% ортиқ бўлгани учун шу моторни якуний танлаймиз.

Принципиал электр схемани ишлаб чиқамиз.

Юритманинг принципиал электр схемаси МБИнинг график қисмида берилган.

Ўзгартиргич расмда UZ1 блок кўринишида тасвирланган.

Ўзгартиргичга кириш кучланиши R, S ва T клеммалар орқали берилади. Мотор U, V и W клеммалар орқали қўшилади. B1 ва B2 клеммаларга тормозловчи блок ва тормозловчи қаршилик уланади. Электр юритмани қисқа туташув тоқларидан сақлаш керак. Частота ўзгартиргични бошқариш параметрларни критик ёрдамида амалга ошади, бунда танлаш, ишга тушириш ёки тўхтатиш, иш режими назорат қилишни амалга

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:	Қодиров М					
Раҳбар:	Тоиров О.З.					

оширилади. Қийматларни ўзгартириш ва ўрнатиш ўзгартиргичнинг бошқариш пулти орқали клавиатура ёрдамида критилади.

Схема элементларини танлашда:

Автоматик виключател танлаш қуйидаги талаблар асосида амалга оширилади:

$U_{\text{ном.авт}} > U_{\text{ном}}$ -занжир кучланишининг номинал қиймати;
бу ерда,

$U_{\text{ном.авт}}$ – аппаратнинг номинал кучланиши (В);

$U_{\text{ном}}$ -тармоқни номинал кучланиши (В);

$I_{\text{ўрн.мак.хис}} > (2,5 - 3)I_{\text{ном.дв}}$;

$I_{\text{ўрн.мак.айр}}$ –айиргичнинг максимал айириш токи;

$I_{\text{ном.дв}}$ – мотор номинал токи;

QF1 типдаги автоматик ўчиргич танлаймиз:

Автоматик ўчиргич параметрлари:

серия ВА5735;

$I_{\text{хис.мак}}=250$;

$U_{\text{ном}} = 380 \text{ В}$;

3 та;

кутблар сони:

Ёрдамчи контактлар сони:

1 қўшувчи;

1 айирувчи контактлар;

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

**Қуввати 2,2 кВт ва айланиш тезлиги 1500 айл/мин бўлган
асинхрон моторни актив қисми лойиҳалаш.**

Асинхрон моторлар (А.Д) электр энергиясини механик энергиясига айлантирувчи ускунадир. У конструкциясининг соддалиги, арзонлиги, ишда ишончлилиги сабабли саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида кенг қўлланилади. Ҳар қандай электр машиналари каби А.Д. генераторлар режимида ҳам ишлаши мумкин. Умуман А.Д.нинг генератор режимида ишлаши иқтисодий-техник жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас, аммо охириги йилларда ўтказилган илмий тадқиқотлар, асинхрон машиналарнинг генератор сифатида ишлатилишининг бир қатор устунликлари борлигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда асинхрон машиналари асосан уч фазали моторлар сифатида ишлатилади.

«Электроэнергетика» йўналишида тахсил олаётган талабалар келгуси Амалий фаолиятларида асинхрон моторларни ишлатишга тўғри келади. Чунки, асинхрон двигателнинг тузилиши оддий, ишлатиш қулай, энергетик ва механик характеристикалари яхши бўлгани учун саноатда ишлатилаётган электр двигателларининг 80 фоизидан кўпрогини асинхрон двигателлар ташкил этади. Бундай катта талабни кондириш учун машинасозлик заводларида ҳар йили ишлаб чиқарилаётган асинхрон двигателларнинг қуввати ваттнинг бир неча улушларидан, бир неча минг киловаттгача, иш қучланиши эса 127 В дан 10 кВ гача бўлади.

Асинхрон двигателлар, бир, икки ва уч фазали қилиб ясалади. Уч фазали асинхрон двигателлар металл кесиш, ёғочни қайта ишлаш дастгоҳларини, кўтарма кранлар, лифтлар, эскалаторлар, вентиляторлар, бошқа механизмларни ҳаракатга келтиришда ишлатилади. Курс лойиҳасида келгуси Амалий фаолиятидан қилиб чиқиб, статор чулғами схемасини ишлаб чиқиш кўриб чиқилган.

Ўлч.	Вар.	Ф.И.Ш.	Сана	Имзо	Бух.МТИ, каф. Электротехника, гр.16-12ЭЭЭ, БМИ ТЁ	Варак
Бажарди:		Қодиров М				
Раҳбар:		Тоиров О.З.				

Қуввати 2,2 кВт, айланиш тезлиги 1500 айл/мин бўлган ротори қисқа туташган уч фазали асинхрон мотр лойиҳалаштирилсин. Таъминловчи кучланиш $U=220/380$ В, конструктив бажарилиши IM 1001; иқлимий бажарилиши IP 44.

Жуфт кутблар сони.

$$p=50 \cdot f_1=60 \cdot 50/1500=2$$

Асосий улчамларни аниклаш.

$$h=85 \text{ мм} \quad D_a=0.136 \text{ м}$$

1-расмдан айланиш укининг баландлигини аниклаймиз. 2-жадвалдан энг якин кийматни аниклаймиз. Статорнинг ички диаметри

$$D=K_d \cdot D_a=0.55 \cdot 0.136=0.088 \text{ м}$$

K_d ни кийматини 3-жадвалдан оламиз.

Кутб булинмаси

